	концепциясини ишлаб чикиш.		бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари			ривожлантириш концепцияси тасдиқланади.
55.	Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш.	2019 йил 1 ноябрь	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ҳисоб палатаси	–	–	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. Лойихада: халқаро молия ташкилотлари билан биргалиқда бу соҳадаги жаҳон тажрибасини чукур ўргангандан ҳолда Ўзбекистонда максадга йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш босқичлари ва йўналишлари; бюджетдан молиялаштириладиган дастур ва лойихалар бўйича сифат ва миқдор кўрсаткичлари ва баҳолаш индикаторларини ишлаб чикиш тартиби; бюджет маблағлари самараదорлигини аудитдан ўтказиш стандартларини ишлаб чикиш назарда тутилади.
56.	Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетларнинг юқори турувчи бюджетларга боғлиқлиги даражасини қискартириш.	2019 йил 1 октябрь	Молия вазирлиги, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	–	–	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. Лойихада: 2020 йил якунига қадар максадли юқори бюджетдан қўйи бюджетга ажратмалар (трансфертлар) бериш қоидалари ва тартибини такомиллаштириш, яъни ягона ёндашувни белгиловчи тартиб ўрнатиш; 2021 йилдан маҳаллий бюджетга колдириладиган солиқлар бўйича ажратмалар меъёрини унификациялаш ва 3 йилда бир марта кайта кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш; маҳаллий харажатларни молиялаштириш ваколатини босқичма-босқич юқори бюджетдан қўйи бюджетга ўтказиш назарда тутилади.
57.	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро валюта жамғармасининг Миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш.	2019 йил 1 июль	Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк	–	–	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. Лойихада: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро валюта жамғармасининг Миллий ҳисоблар замонавий тизимини 2020 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ жорий этишга қаратилган тадбирлар; ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда иқтисодиётдаги жараёнлар тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш; ялпи ички маҳсулот миқдорини аниқлашни харажат услубида амалга ошириш назарда

						тутилади.
58.	Монетар сиёсатни такомиллаштириш, Хукумат ва Марказий банкнинг нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича концепциясини ишлаб чиқиши.	2019 йил 1 октябрь	Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан монетар сиёсатни такомиллаштириш чоралари, Хукумат ва Марказий банкнинг нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилади.
59.	Самарали солик маъмуриятчилигини йўлга кўйиш.	Йил давомида	Давлат солик кўмитаси, Молия вазирлиги	–	–	Чора-тадбирлар дастури. Бунда солик ставкалари пасайтирилиши ёки айрим соликлар бекор қилинишини инобатга олган ҳолда бюджет барқарорлигини таъминлаш чоралари назарда тутилади.
60.	Солик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиши.	2019 йил 1 июнь	Молия вазирлиги, Давлат солик кўмитаси, вазирлик ва идоралар	–	–	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: иљфор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия ташкилотлари мутахассислари билан биргаликда Солик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш; халол солик тўловчиларни рағбатлантириш ва яширин фаолият юритадиган субъектларни жазолаш механизmlари назарда тутилади.
61.	Солик ислоҳотларини амалга ошириш даврида истеъмол маҳсулотлари нархининг барқарорлигини ва инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш.	Йил давомида	Вазирлар Махкамаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик кўмитаси, Монополияга қарши курашиб кўмитаси, Бош прокуратура, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари	–	–	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда истеъмол маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш, хусусан кўшилган киймат солиги кенг жорий қилиниши билан истеъмол товарларининг нархи ўсишининг олдини олиш чоралари назарда тутилади.
3.2. Банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиши						
62.	Банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узок муддатли стратегияни ишлаб чиқиши.	2019 йил 1 апрель	Вазирлар Махкамаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқиладиган банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узок муддатли стратегия тасдиқланади. Стратегияда: давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли банк кредити ажратиш амалиётини тубдан такомиллаштириш, бунда кредит фоизини қисман компенсация қилиш амалиётини кенгайтириш; банклардаги давлат улушини босқичма-босқич

					<p>камайтириш;</p> <p>молия бозорлари, шу жумладан фонд бозори, давлат қимматли қоғозлари иккиламчи бозори ва хосилавий молиявий инструментлар бозорини ривожлантириш;</p> <p>аҳолига кредит ажратиша, кредит буюртманомаси, хужжатларини тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқишнинг автоматлаштирилган механизмини (кредит конвойерини) жорий қилиш орқали банк операцияси жараёнларида инсон аралашувины минималлаштириш;</p> <p>худудларда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жихозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш;</p> <p>банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш;</p> <p>банк карталари орқали кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш, шу жумладан кредит карталарини жорий этиш;</p> <p>замонавий молиявий технологиялар ва тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришнинг қраудфандинг ва бошқа муқобил механизмларини ривожлантириш учун норматив-хуқуқий асосларни яратиш;</p> <p>банк хизматлари сифатини ошириш мақсадида тижорат банклари фаолиятига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ), мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик индекси (CSI), мижозларнинг банк хизматларини бошқаларга тавсия этиш индекси (№PS) каби кўрсаткичларни жорий этиш;</p> <p>маҳаллий ва халқаро банк пластик карточкалари бўйича хисоб-китобларда банклар орасида ахборот ва технологик ҳамкорликни йўлга кўйиш мақсадида Миллий банклараро процессинг марказини ишга тушириш;</p> <p>миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизимлари (Visa, Master Card ва бошқалар) билан интеграциялаш;</p> <p>молия бозори инфратузилмасини ривожлантириш, микромолиялаш жараёни ва</p>
--	--	--	--	--	---

						микрокредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
63.	Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш.	2019 йил 1 июль	Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш концепцияси тасдиқланади.</p> <p>Концепцияда:</p> <p>«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Конунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш; барча мажбурий суғурта турларини ягона хужжатга мужассамлаштириш ва мажбурий суғурталанадиган фаолият турларини кенгайтириш;</p> <p>суғурта полисининг кредит олиш учун мавқенини ошириш ва суғурта пули тўлаш тартибини такомиллаштириш;</p> <p>банкларга суғурта агенти мақомини бериш; интерактив, жумладан онлайн суғурта хизматини кенгайтириш назарда тутилади.</p>
64.	Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш.	2019 йил 1 апрель	Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк	—	—	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада:</p> <p>капитал (фонд) бозорининг миллий иқтисодиётдаги мавқенини ҳамда инвестицияларни жалб этишдаги ролини ошириш, биржа савдоларига кенг жамоатчиликни жалб килиш;</p> <p>соҳани тартибга солувчи ваколатли давлат органи фаолиятини халқаро ташкилотлар, хусусан IOSCO тамойилларига мослаштириш;</p> <p>маҳаллий эмитентларнинг қимматли қоғозларга жаҳонда тан олинган идентификация кодларининг (ISIN®, CFI) бевосита Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан берилиши назарда тутилади.</p>
65.	Давлат акция пакетларини «Битта акция — битта лот» тамоилии асосида сотиш тартибини жорий этиш.	2019 йил 1 апрель	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги	—	—	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада давлат акциялари савдосига аҳоли ва инвесторларни жалб этишни чекловчи акцияларни йирик миқдорда савдога чиқариш амалиётини такомиллаштириш назарда тутилади.</p>
66.	Йирик марказий халқаро депозитар-клиринг тизимлари (EuroClear, ClearStream) ҳамда Миллий рақамловчи агентликлар ассоциацияси билан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси	2019 йил 1 май	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Марказий банк	—	—	<p>Чора-тадбирлар режаси. Режада чет эл инвесторлари маблагини тўғридан-тўғри иқтисодиётга жалб қилишни рағбатлантириш учун йирик марказий халқаро депозитар-клиринг тизимлари (EuroClear, ClearStream), Миллий рақамловчи агентликлар</p>

	хамкорлигини йўлга қўйиш.					ассоциацияси ва Қимматли қофозлар марказий депозитарийси хамкорлигини йўлга қўйиш назарда тутилади.
67.	Валюта бозорини янада эркинлаштириш.	2019 йил 1 март	Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	<p>«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси. Лойиҳада: соҳага оид конуности хужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, хаволаки нормаларни максимал даражада қискартирган ҳолда валюта операцияларини амалга оширишга оид барча жиҳатларни тартибга солиш; халқаро тажрибани чукур ўрганиш асосида ва тадбиркорлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, валюта операцияларини тартибга солишни соддалаштириш;</p> <p>жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағидан эркин фойдаланиш хуқуқининг кафолатини мустаҳкамлаш;</p> <p>мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш;</p> <p>валюта бозори фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш;</p> <p>норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиши натижасида олинган маблағларини чет эл валютасига айирбошлиш амалиётини янада соддалаштириш назарда тутилади.</p>
3.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириши						
68.	«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 апрель	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси конуни лойиҳаси. Лойиҳада юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби назарда тутилади.</p>
69.	Жаҳон банкининг «Бизнесни юритишиш» рейтингидаги 2020 йил якуни бўйича барча йўналишларда Ўзбекистоннинг ўрнини тубдан яхшилаш чораларини кўриши.	2019 йил 1 май	Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Курилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ташки савдо вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси,	—	—	<p>Чора-тадбирлар дастури. Дастурда қурилиш йўналишида 50 таликка, мулкни расмийлаштириша — 30 таликка, миноритар акциядорлар химоясида — 20 таликка, халқаро савдода — 50 таликка кириш ва бошқа йўналишларда Ўзбекистоннинг ўрнини тубдан яхшилаш чоралари назарда тутилади.</p> <p>Шунингдек, қурилиш соҳасида: қурилиш ишларига рухсат бериш, лойиҳалаш</p>

			Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси			ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнини тубдан соддалаштириш; шахарсозлик норма ва коидаларини қайта кўриб чиқиш; курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатнома олишни соддалаштириш; Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо 36 та мамлакатнинг курилиш соҳасидаги лицензия ва бошқа рухсатномаларини тан олиш тартибини жорий этиш; Шахарсозлик кодексини тўғридан-тўғри ишлайдиган хужжат сифатида янги таҳирда ишлаб чиқиши бўйича амалий тадбирлар белгиланади.
70.	Юридик ва жисмоний шахсларни электр энергияси тизимларига уланиш тартибини тубдан енгиллаштириш.	2019 йил 1 июль	«Ўзбекэнерго» АЖ, Адлия вазирлиги	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: худудий электр тармоқлари таркибида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил қилиш; электр энергияси соҳасидаги давлат хизматлари учун унификация қилинган тарифлар тизими ва тариф белгилашда шаффоф механизмларни жорий этиш; электр энергияси тизимларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини кисқартириш ва нархларини камайтириш; тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонига кадар зарурий муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиб келиш харажатларини қоплаш манбаларини аниқ белгилаш; «Ўзбекэнерго» АЖ расмий сайти ва давлат хизматлари порталада энергия тизимида хисобот йилида содир бўлган узилишлар, нарх ва уланиш тартиби тўғрисида маълумотларни чоп этиш; ташки мұхандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ва фойдаланиш тизимида оммавий оферта битими тузиш тартибини жорий қилиш назарда тутилади.
71.	Рақамли иқтисодиёт миллий стратегиясини ишлаб чиқиши.	2019 йил 1 март 2019 йил 1 декабрь	Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновация вазирлиги,	–	–	«Рақамли Ўзбекистон-2030» миллий стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича «йўл харита»си. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: «Рақамли Ўзбекистон-2030» миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл

			«Ўзалоқаназорат» инспекцияси			харитаси»ни тасдиқлаш; давлат хизматлари кўрсатиш, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларида ракамли трансформация қилиш; бизнес харажатлари ва маъмурӣ юкламани камайтириш мақсадида маъмурӣ тартибтаомилларни ракамлаштириш назарда тутилади.
72.	Маъмурӣ тартиб-таомилларни тизимлаштириш ва соддалаштириш.	2019 йил 1 декабрь	Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада мавжуд маъмурӣ тартибтаомилларни хатловдан ўтказиб, ягона хужжатда жамлаш ҳамда алоҳида қабул қилинган регламент ва қарорларни бекор қилиш назарда тутилади.
73.	Кўчмас мулкка оид битимларни расмийлаштириш тизимини соддалаштириш.	2019 йил 1 март	Адлия вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада: кўчмас мулк объекти кадастр йигма жилдини соддалаштириш, кадастр паспортини электрон тизимга ўтказиш; кўчмас мулк объектларига оид битимлар нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилганда битим хақидағи маълумотларни базага киритиш ва мулк хукукини онлайн рўйхатдан ўтказиш; кўчмас мулкни бегоналаштириш учун битимларни тузишда кадастр органлари томонидан амалга ошириладиган техник инвентаризация ўтказиш талабини бекор қилиш; кўчмас мулкни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун Интернет тармоғи орқали буюртма бериш тартибини жорий қилиш назарда тутилади.
74.	Юридик шахслар хақидағи маълумотларни интернет орқали олиш тизимини яратиш.	2019 йил 1 апрель	Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада: юридик шахсга оид конфиденциал бўлмаган барча маълумотларни очик порталга жойлаштириш; конфиденциаллик даражасини илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда аниқлаштириш; юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтказилган мажбуриятлари (гаров, закалат) ёки мулкий чекловларини порталга жойлаштириш; юридик шахслар тўғрисида чоп этиладиган маълумотларни рўйхатга олувчи органлар сайтлари ва хукумат порталида эълон қилишни ягона шаклга келтириш назарда тутилади.
75.	Акциядорлик жамиятлари	2019 йил	Капитал бозорини	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси.

	фаолиятида акциядорлар иштирокини ошириш хамда уларнинг хукуқ ва конуний манбаатлари ҳимоясини кучайтириш.	миноритар	1 июль	ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги			Лойихада: акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги конунчиликда аффилланган шахслар билан битим тузишга нисбатан талабларни кучайтириш; қимматли қофозлар бўйича хисобланган даромадларни (дивиденд, фоиз) Қимматли қофозларнинг марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари орқали тўлаб бериш механизмини жорий қилиш; акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши мажлисларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан иштирок этиш; акциядорлик жамиятлари фаолиятида юзага келадиган муҳим фактларни қимматли қофозлар биржа котировкалаш варагига кирган ва (ёки) акциядорларининг умумий сони 50 нафардан ортиқ акциядорлик жамиятлари томонидан ошкор етилиши назарда тутилади.
76.	Деҳқон бозори ва савдо комплексларини очиш тартибини белгилаш.	2019 йил 1 июль	Вазирлар Маҳкамаси, Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	—	—	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада: бозорлар ва савдо комплексларини очиш учун тегишли ихтисослик бўйича эҳтиёжларни аниқлаштирувчи талаблар; бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятига ва тузилишига бўлган талаблар; бозорлар ва савдо комплексларининг худудлар кесимида жойлашувини белгиловчи дислокация хариталари; мавжуд ва кейинчалик худудда вужудга келадиган шароитларни инобатга олиш механизмлари (аҳоли сони ўсиши, янги уйлар курилиши, йўллар кенгайиши ва бошқа ҳолатлар) назарда тутилади.	
77.	Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш тартибини такомиллаштириш.	2019 йил 1 май	Давлат солиқ кўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги	—	—	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишида жараёнлар шаффоғлигини ошириш, коррупция билан боглиқ омиллар шаклнанишининг олдини олиш, тартиб ва таомилларни янада соддалаштириш ва такомиллаштириш назарда тутилади.	
78.	Автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташиш тизимини такомиллаштириш.	2019 йил 1 март	Автомобиль транспорти агентлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги	—	—	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада: йўловчи ва юк ташиш учун лицензия талабларини кескин соддалаштириш; йўловчи ва юк ташиш бўйича талабларга риоя	

						<p>етилиши устидан назоратни кучайтириш ва замонавий технологияларни қўллаш;</p> <p>шахсий автотранспорт воситаларини лицензияга эга юридик шахсларга ижарага бериш орқали такси ҳайдовчиси сифатида ишлашга мажбур қилинаётган амалиётга барҳам бериш;</p> <p>конун хужжатларидағи лицензиясиз йўловчи ва юк ташишга имконият яратувчи барча бўшликларни қайта кўриб чиқиш;</p> <p>йўловчи ва юк ташиш учун лицензия бўйича олинадиган давлат божини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>худудлардаги транспорт бошқаруви тизимини давлат-хусусий шериклик орқали тадбиркорлик субъектларига ўтказиш механизмлари;</p> <p>автомобиль транспортларига бериладиган маҳсус давлат раками белгисини йўловчи ва юк ташиш учун лицензияга тенглаштириш ҳамда ушбу соҳада ички ишлар органлари вазифаларини кенгайтириш назарда тутилади.</p>
--	--	--	--	--	--	---

3.4. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унга давлат аралашувини камайтириш

79.	Давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарини бошқаришни тубдан такомиллаштириш.	2019 йил 1 февраль	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги	–	–	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада:</p> <p>барча давлат бошқаруви органларига тегишли акциялар ва улушларни бошқариш функциясини ягона ваколатли идорага юклаш;</p> <p>давлат улуши бўлган корхоналарнинг ташкилий тузилмасини, Кузатув кенгаши ва ижро органи таркибини конун хужжатлари билан тасдиқлаш амалиётини бекор қилиш;</p> <p>давлат улуши бўлган корхоналарнинг ижро органи аъзоларини вазир ва унинг ўринbosарлари мақомига тенглаштириш амалиётидан воз кечиш;</p> <p>давлатнинг ишончли вакили фаолиятини тутатиб, унинг вазифаларини кузатув кенгаши таркибига киритилган давлат вакили зиммасига юклаш;</p> <p>акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш амалиётини кенгайтириш;</p> <p>вазирлик ва идораларнинг ўзи тартибга соладиган соҳада фаолият кўрсатаётган хўжалик жамиятлари таъсисчиси бўлиши амалиётини босқичма-босқич бекор қилиш назарда тутилади.</p>
80.	Иқтисодиётда давлат иштирокининг мақсадини белгилаш ва давлат аралашувини	2019 йил 1 сентябрь	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши	–	–	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада:</p>

	янада камайтириш.		курашиб кўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк			давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат корхонасини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш мақсадларини белгилаш; белгиланган мақсадларга мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил етишни тақиқлаш; монополияга қарши курашиб органининг ижобий хулосасисиз давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш амалиётига чек кўйиш; давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг белгиланган мақсадларга мувофиқлигини урганиш бўйича ишчи гуруҳи тузиш; хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида пахта тозалаш, ун, ёғ-мой, гўшт-сут, озиқ-овқат саноати ва бошқа шу каби ракобат мавжуд бўлган соҳалар корхоналаридаги давлат улушкини сотиш назарда тутилади.
81.	Давлат унитар корхоналари ажратмаларини давлат бюджетига ўтказиши механизмларини такомиллаштириш.	2019 йил 1 май	Давлат солик кўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада: давлат унитар корхоналари йиллик йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши ва давлат бюджетига ажратмалар соғфойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан 60 кундан кечиктирмай тўланиши; давлат унитар корхоналарининг бошқа жамият устав фондидағи улуши бўйича дивиденд давлат унитар корхоналарининг даромад манбаларидан бири хисобланиши назарда тутилади.
82.	Ашёвий хуқуклар ва юридик шахсларнинг ташкилий-хуқуқий шаклларини танқидий кўриб чиқиши.	2019 йил 1 июль	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойихада юридик шахсларнинг «унитар корхона» ташкилий-хуқуқий шаклини бекор қилиш, хўжалик юритиш хуқукини бекор қилиш назарда тутилади.
83.	Давлат ва хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд бўлган айрим акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини бирламчи ва иккиламчи оммавий таклиф асосида реализация қилиши.	2019 йил 1 апрель	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклиф асосида реализация қилиш назарда тутилади.
84.	Лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнини соддалаштириш.	2019 йил 1 май	Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада:

						лицензия берувчи органлар томонидан лицензия олувчиларни мажбурий ўқитиш, малакасини ошириш тартибини қайта кўриб чикиш; тадбиркорлик субъектлари раҳбар ва ходимларини тайинлашни лицензия ва руҳсатнома берувчи давлат органлари билан келишиш тартибини қайта кўриб чикиш назарда тутилади.
85.	Солиқ ва божхона имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш.	2019 йил 1 май	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастур билан тегишли солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.
3.5. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали соғлом рақобат мухитини яратиш						
86.	Йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисбот тузиш ва аудит ўтказишида халқаро стандартларни жорий қилиш.	2019 йил 1 май	Вазирлар Махкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, тегишли давлат корхоналари	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: 2020 йилдан бошлаб йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисбот тузиш ва аудит ўтказишида халқаро стандартларни жорий қилиш; давлат улуши мавжуд бўлган йирик корхоналар аудитини ўтказиш учун етакчи халқаро компанияларни жалб этиш; ўнта етакчи халқаро аудит компанияларини Молия вазирлигидан аккредитациядан ўтказиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади.
87.	Давлат томонидан махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва унинг нархини белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиб, бозор тамойилларини жорий этиш.	2019 йил 1 апрель	Вазирлар Махкамаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан нарх шакллантиришни эркинлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини белгилашдан воз кечиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.
88.	Рақобатга оид муносабатларни тартибга солувчи қонун хужжатларини такомиллаштириш.	2019 йил 1 октябрь	Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Молия вазирлиги	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада «Табиий монополиялар тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги қонун нормаларини бирлаштириш ва янада такомиллаштириш назарда тутилади.
3.6. Қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий қилиш орқали соҳани жадал ривожлантириш						
89.	Пахта хом ашёси ва бошоқли дон махсулотлари етиштиришга кредит ажратиш тартибини қайта кўриб чикиш.	2019 йил 1 ноябрь	Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси,	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштиришга имтиёзли кредит ажратиш муддатини агротехник тадбирлар муддатига мослаштириш; тўқимачилик-пахта ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерларига ажратилган

			«Ўздонмаҳсолот» АЖ, «Ўзпахтасаноат» АЖ, тижорат банклари			имтиёзли кредитларни қайтариш шартлари ва муддатини аниқ белгилаш назарда тутилади.
90.	Фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимини ошириш.	2019 йил 1 март	Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Инновация вазирлиги	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: тегишли вазирлик ва идоралар ўргасидаги ҳамкорликни кучайтириш, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чикиш; оммавий ахборот воситаларида қишлоқ хўжалигини юритиш, ҳудудларнинг ушбу соҳадаги ихтисослиги, етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турли касалликлар билан курашиб усуслари ҳакида туркум дастурларни тайёрлаш ишлари амалга оширилади.
91.	Пахта, ғалла, мева-сабзавот ва бошқа йўналишлардаги кластерлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириши.	2019 йил 1 июнь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давергеодезкадастр» кўмитаси, Бош прокуратура, «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси, «Ўздонмаҳсолот» АЖ, «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзбекозиковқат-холдинг» ХК, «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбалиқсаноат» уюшмаси	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: кластер тизимида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш чоралари; кластерлар фаолиятининг ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий асослари, уларни кўллаб-қувватлаш механизmlари; қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига кластер усулини кенг татбиқ этиш чоралари; кластерларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни такомиллаштириш; пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва баликчиликда янги кластерларни ташкил этиш назарда тутилади.
92.	Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш, сақлаш ва тайёрлашнинг ягона тизимини яратиш.	2019 йил 1 сентябрь	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: «Ургучилик экспорти — 2030» дастурини ишлаб чикиб, 2030 йилга келиб уруғлар экспорти ҳажмини кескин ошириш; қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш, сақлаш ва тайёрлаш тартиб ва мъеъларини белгилаш; сабзавотчилик, полизчилик ва озука экинлари уруғчилик тизимини ташкил этиш; ҳар йили белгиланган тартибда тайёр уруғларни фермердан сотиб олиш ва уларни мавсумгача сақлаш ҳамда фермерларга бериш механизмини жорий этиш назарда тутилади.
93.	Ургучиликда асл навларни яратиш	2019 йил	Инновация вазирлиги,	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси.

	мақсадида, тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш.	1 май	Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бош прокуратура, Молия вазирлиги			Лойихада уруғчилик ва селекция билан шуғулланадиган институтларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ташкил этиш назарда тутилади.
94.	Тупроқ унумдорлиги, сув таъминоти ҳамда бошқа омилларни хисобга олган холда қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини белгилаш бўйича нормативлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Иктисолидиёт ва саноат вазирлиги, Инновация вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, «Ўзагрокимёхимоя» АЖ	—	—	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада:</p> <p>кишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини белгилаш бўйича нормативларни ишлаб чиқиш;</p> <p>таҳлил асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг минерал ўғитларга бўлган илмий талабини белгилаш ҳамда улардан табақалаштирилган ҳолда фойдаланиш тизимини йўлга кўйиш;</p> <p>кишлоқ хўжалиги ерларининг балл бонитетини, ҳар бир дала контури бўйича тупроқ таркиби, озука элементлари, фосфор ва калий билан таъминланганлиги даражаси бўйича картограммалар тайёрлаш;</p> <p>кимёвий воситалар хисобига тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицидлар, нитратлар ва оғир металл тузлари қолдиқлари меъёрларини кузатиш тизимини йўлга кўйиш;</p> <p>тупроқ бонитировкаси шўъба корхонаси негизида «Давергеодезкадастр» қўмитаси таркибига кирувчи алоҳида «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази»ни ташкил этиш;</p> <p>сув ва ўсимлик таркибидаги минерал ва органик ўғитларнинг кимёвий таҳлилини ўтказиш учун маҳсус замонавий стационар ва кўчма лабораторияларни ташкил этиш назарда тутилади.</p>
95.	Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини таомиллаштириш.	2019 йил 1 июль	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иктисолидиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлари	—	—	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада сув истеъмолчилари уюшмалари сонини мақбуллаштириш, республика, вилоятлар ва ҳар бир туман (шахар)да ягона уюшма ташкил этиш ёки уларни ирригация бўлимлари қошида хўжалик хисобидаги корхона сифатида қайта ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш назарда тутилади.</p>

96.	Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашни таъминлаш.	Йил давомида	Сув хўжалиги вазирлиги, «Давергеодезкадастр» кўмитаси, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, лойиҳа институтлари	1 334 млрд сўм 132,8 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети, халқаро молия институтлари, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари. Бунда 821,8 км масофадаги магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тизими, 341,6 км ёпик ётиқ дренажлар, 428,8 км каналлар, 127,2 км лоток тармоқлари, 213 та гидротехник иншоотларни куриш, реконструкция килиш назарда тутилади.
97.	Давлат эҳтиёjlари учун бошокли дон маҳсулотлари харид қилишнинг бозор механизмларини жорий қилиш.	2019 йил 1 сентябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзданмаҳсулот» АЖ Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: давлат эҳтиёjlари учун бошокли дон маҳсулотларини кафолатланган ҳажмда, харажатларни қоплайдиган даражадаги кафолатланган бозор нархida харид қилиш тизимини жорий этиш; «Ўзданмаҳсулот» АЖ тизимидағи тайёрлов корхоналарини босқичма-босқич давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш; давлат эҳтиёjи учун харид қилинган маҳсулотлардан нарх барқарорлигини саклаш (интервенция) мақсадида фойдаланиш тартиби назарда тутилади.
98.	Қишлоқ хўжалиги мақсадларида ер бериш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш.	2019 йил 1 ноябрь	«Давергеодезкадастр» кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: кишлоқ хўжалиги мақсадларида ер бериш тартибини «Yer Elektron» тизимига мувофиқлаштириш ва ер участкасига ижара хукукини шаффоф механизмлар орқали реализация қилишни жорий этиш; фуқаро ва тадбиркорларга махсус геопортал орқали аукцион савдосига чиқариладиган ер майдонларини танлаш имкониятини яратиш; ердан мўл ҳосил олаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларига фаолиятини кенгайтириш учун кўшимча ер ажратиш тартиби; сув танқислиги ва шўрланиши юқорилиги сабабли қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш назарда тутилади.
99.	Чорвачилик ва паррандачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш.	2019 йил 1 март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновация вазирлиги, «Ўзданмаҳсулот» АЖ,	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: пахта ва галла майдонларидан бўшаган ҳосилдорлиги паст ерларда чорвачилик ва паррандачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш

			«Ўзпахтаёғ» АЖ, Республика товар-хом ашё биржаси			мақсадида озуқа экинлари, жумладан юкори протеинли ўсимликларни жойлаштириш; омухта ем маҳсулотларини чекланмаган миқдорда биржа савдолари орқали бозор нархларида сотиб олишни таъминлаш; «Ўздомнахсулот» АЖ тизимидағи ем ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, ем маҳсулотлари сифатини ошириш; чорвачилик озуқа базасини янада мустахкамлаш, чорвачиликда интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш назарда тутилади.
100.	2019-2024 йилларда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 апрель	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бош прокуратура, Соғликин саклаш вазирлиги, Инновация вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Рим Декларацияси ҳамда Биохавфсизлик бўйича Картхен протоколини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш назарда тутилади.
101.	Ички ва ташки бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб, худудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш ва худудий ихтисослаштириш тизимини тақомиллаштириш.	2019 йил 1 май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси, Инновация вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Фанлар академияси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилар ўртасида ўзаро хамкорликни ўрнатиши; тупроқ, иқлим, сув шароитидан келиб чиқиб, кейинги йил ҳосили учун фермер хўжаликлари кесимида, контурлар ва экин турлари бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш; зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз фермер хўжаликларини мақбулаштириш; худудий ихтисослаштиришни чукурлаштириш, жумладан туманлар худудларини мос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш назарда тутилади.
3.7. Вилоятлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиши						
102.	Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгacha урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июнь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат вазирлиги,	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лоиҳаси. Лойиҳада: урбанизация даражасини 2030 йилга қадар камидаги 60 фоизга етказиш; комплекс уй-жойлар қурилиши ҳисобидан янги шаҳарлар ва йўлдош-шаҳарлар ташкил

			Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари			этиш; шахарлар инфратузилмасини модернизация килиш ва янгилаш; халқаро молия ташкилотлари ва хорижий консалтинг компанияларини жалб қилиш; тадбирларни молиялаштиришнинг аник манбаларини белгилаш назарда тутилади.
103.	Республиканинг 27 та туманида саноатни ривожлантириш бўйича ўрта ва узок муддатли дастурлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 май	Вазирлар Махкамаси, Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги	–	–	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: худуддаги табиий ва ер ости бойликларини инобатга олган ҳолда, саноат маҳсулотлари ҳажмини кескин ошириш; хизмат кўрсатиш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар ва энергия таъминоти билан таъминлаш, уларнинг ички ва ташки тозулушларини ошириш назарда тутилади.
104.	Иқтисодиётнинг базавий тармоқларига, айниқса, енгил саноат, металлургия, курилиш материаллари ва озик-овқат тармоғига, шунингдек ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш.	Йил давомида	Лойиха ташаббускорлари (вазирлик, идора ва хўжалик бошқарувчи органлари, Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	4,12 млрд АҚШ доллари	Хорижий инвесторлар маблағлари	2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган лойихаларнинг тармоқ жадваллари. Бунда хорижий инвесторларга ер ва бино ажратиш, рухсатномаларни тақдим этиш, лойихаларнинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш чоралари назарда тутилади.
105.	Фоиз ставкалари инфляция даражасидан анча паст бўлган инфратузилма ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда иқтисодий манфаатдорликни янада оширишга қаратилган халқаро молиявий институтлар ва хорижий хукуматлар молия ташкилотларининг узок муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобидан лойихаларни амалга оширишни кенгайтириш.	Йил давомида	Лойиха ташаббускорлари (вазирлик, идора ва хўжалик бошқарувчи органлари, Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	2,7 млрд АҚШ доллари	Халқаро молия институтлари ва хорижий хукуматлар молия ташкилотлари маблағлари	2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган лойихаларнинг тармоқ жадваллари. Бунда хорижий лойихаларнинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш чоралари назарда тутилади.
106.	Халқаро ва давлат аҳамиятидаги ҳамда маҳаллий йўлларни қуриш, таъмилаш ва реконструкция қилиш.	Йил давомида	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар	1,7 трлн сўм 94,5 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари Халқаро молия институтлари ва хорижий хукуматлар молия	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 2019 йилда 46,2 км халқаро, 18,7 км давлат аҳамиятидаги, 60 км намунавий қишлоқ аҳоли пунктлари ва хизмат уйлари, шунингдек 65 км эркин иқтисодий, кичик саноат, эркин саноат иқтисодий ва эркин иқтисодий фарм зоналар ҳамда 35,6 км маҳаллий йўлларни қуриш,

			хокимликлари		ташкилотлари маблаглари	таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.
107.	Автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига оид қурилиш қоидалари ва меъёрларини халқаро стандартларга мослаштириш.	2019 йил 1 июнь	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Йўл-курилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Адлия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва саклашга оид қурилиш қоидалари меъёрларини халқаро стандартларга мослаштириш; тезорар автомобиль йўлларини куришга оид намунавий техник талабларнинг норматив меъёрини яратиш; шаҳар кўчаларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашда муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланувчи ташкилотлар билан биргаликда ишларни комплекс амалга ошириш тартибини жорий қилиш; шаҳар кўчаларини қуриш ва реконструкция қилишда сув қочириш тизимини инобатга олган ҳолда лойиҳа ечимлари қўлланилишини таъминлаш; автомобиль йўлларининг холатини кўрсатувчи очиқ электрон харитани ишлаб чиқиш ва уларни таъмирлаш учун танловлар шаффофлигини таъминлаш механизмлари назарда тутилади.
108.	Оролбўйи худудида жойлашган обьектларни куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	Йил давомида	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Xorazm viloyati ҳокimligi, Uy-joy kommunal xizmat koursatish vazirligi, Investitsiyalar bўyicha davlat kўmitasi	320,7 mlrd sўm	Давлат бюджети маблаглари	2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари. Бунда Инвестиция дастурига киритилган обьектлар бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш чоралари назарда тутилади.
109.	Қорақалпогистон Республикаси шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш мақсадида янги қурилишларни амалга ошириш.	2019 йил 1 iyul	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Boш prokuratora, Қурилиш vazirligi, Ikhtisodiёт va samoat vazirligi, Molia vazirligi, Investitsiyalar bўyicha davlat kўmitasi, «Қишлоққурилиш invest» MCH, «Ўзшаҳарқурилиш invest» MCH	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Қорақалпогистон Республикаси шаҳар ва қишлоқларида янги қурилишларни амалга ошириш манзилли дастурини тасдиқлаш; Мўйинқ туманида барча зарур инфратузилмаларга эга бўлган замонавий шаҳарча бунёд этиш назарда тутилади.

110.	Сув таъминоти ва канализация тизими объектларида технологик аудит ўтказиш тизимини яратиш.	2019 йил 1 май	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Фанлар академияси, Курилиш вазирлиги	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказиш чора-тадбирлари назарда тутилади.
3.8. Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва инвесторлар ишончини оқлаш						
111.	Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиши.	2019 йил 1 июнь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада: хар бир худуднинг ихтисослашуви ва инвестиция жалб қилинадиган устувор йўналишлар; юқори технологияли ишлаб чиқаришни талаб этадиган, тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиниши лозим бўлган соҳаларни белгилаш ва уларни кўллаб-куватлаш механизмлари; хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзларда ягона сиёsat юритиши; жалб этиладиган инвестицияларнинг манбалари ва шаклларини соҳа ва худудлар кесимида белгилаш назарда тутилади.
112.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш.	2019 йил 1 март	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва кўллаб-куватлашнинг замонавий шакл ҳамда усусларини жорий этиш назарда тутилади.
113.	Инвесторларга тақдим этиш учун худудлар ва тармоқлар кесимидағи дастлабки инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш.	2019 йил 1 июль	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: мамлакат ва яқин қўшни давлатлар томонидан импорт қилинаётган эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мавжуд энергия, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш; худудлардаги мавжуд имкониятлар ва инвестиция лойиҳалари хақидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш; хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга ошириладиган йирик лойиҳаларни (аэропорт, йўл курилиш, электр энергетика ва кимё саноат соҳаларида) белгилаш назарда тутилади.
114.	Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасини янада ошириш,	2019 йил 1 март	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, ДХХ,	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: иқтисодиёт тармоқлари ва бошка соҳаларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш

	йирик инвестиция лойихаларини амалга оширишда масъул ташкилот ва идоралар хамкорлигини кучайтириш мақсадида инвестицион консалтинг компаниясими ташкил қилиш ва унинг хузурида алоҳида инвестиция порталини яратиш.		Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манбаатдор вазирлик ва идоралар			учун тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларининг харакатларини бирлаштириш; устувор инвестиция лойихалари бўйича инвестиция таклифларини кўриб чиқиш ва чет эл инвесторларига консультация хизматларини кўрсатиш; хорижий инвесторлар билан учрашувлар ташкил қилиш, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун масъул идораларни жалб қилиш; Ўзбекистон Республикасининг инвестиция салоҳиятини, инвесторлар учун яратилаётган имконият ва шароитларни кенг тарғиб қилиш; чет эл инвесторларига инвестиция лойихаларини амалга оширишда барча турдаги хукуқий, молиявий-иктисодий ва ташкилий-техник хизматлар кўрсатиш ишлари амалга оширилади.
115.	Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини чет давлатлар, инвестициявий банк ва компанияларга тақдимот қилиш мақсадида «инвестиция ҳаб»ларини яратиш.	2019 йил 1 апрель	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, ТИВ, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси	Хисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳа: республика худудларида «инвестиция ҳаб»ларини ташкил этиш; таклиф этилаётган аниқ инвестициявий лойиҳалар ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини кўрсатиш; инвесторлар учун истиқболли лойиҳаларни тақдим этиш, зарур ҳолларда маҳаллий шерикларни аниқлаш; инвесторларга зарур бўлган рухсат олиш, лойиҳа хужжатларини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш; лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кўшимча манбаларни аниқлаш; йирик молиявий нашрлар томонидан даврий ташкил қилинадиган тақдимотларда иштирок этиш; халқаро инвестициявий банклар ва бошқа ташкилотларни жалб қилган ҳолда, инвестициявий лойиҳалар тақдимотини республикада ва чет давлатларда ўтказиш назарда тутилади.
116.	Фойдаланишга чекловлар мавжуд маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш.	2019 йил 1 апрель	Вазирлар Махкамаси, Адлия вазирлиги, Иктиносидёт ва саноат вазирлиги, Давлат геология ва минерал	—	—	Вазирлар Махкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада: инвестиция ва юкори технологияларни жалб этишга тўсиқ бўлаётган чекловларни бекор

			ресурслар кўмитаси, «Давергедезкадастр» кўмитаси, ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси			қилиш; нефть ва газ тармогига оид ёпик маълумотларни хатловдан ўтказиб, улардан очик фойдаланиш имконини яратиш; конун хужжатларига мувофиқ сир сакланадиган маълумотлар рўйхатини, тегишли тармоклар рўйхатларини қайта кўриб чиқиш; геодезия ва картография соҳасида давлат сирларини сақлаш ва очик фойдаланиладиган картографик материалларни яратиш тартибини ишлиб чиқиш назарда тутилади.
117.	Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкил этиши ва суверен кредит рейтингини сақлаб туриш ва яхшилаш чора-тадбирларини кўриш.	2019 йил 20 февраль	Молия вазирлиги, Иктисолиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	–	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойихаси. Лойихада: Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингини 2021 йилгача сақлаб туриш ва яхшилаш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш; халқаро ташкилотларнинг индекс ва рейтингларида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида савдоға кўйиладиган, дастлабки жойлаштирилиши молиявий ташкилотлар гурухи томонидан таъминланадиган эмиссион қимматли қоғозлар — халқаро облигацияларни чиқариш назарда тутилади.
118.	Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлик индексида катнашишини таъминлаш.	2019 йил 1 февраль	Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Марказий банк, Иктисолиёт ва саноат вазирлиги	–	–	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда глобал рақобатбардошлик индексида катнашишини таъминлаш бўйича амалий чоралар назарда тутилади.
119.	Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада такомиллаштириш.	2019 йил 1 апрель	Вазирлар Маҳкамаси Иктисолиёт ва саноат вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар	–	–	Норматив-хуқуқий хужжатлар лойихалари. Лойихада кичик саноат зоналарини ташкил этишини инвестициявий-иктисодий асослантириш, иштирокчиларни жойлаштириш, имтиёз ва преференциялар беришни тартибга солиш назарда тутилади.

			<p>ва Тошкент шаҳар хокимликлари</p> <p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари</p>			<p>Лойиха билан Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш концепцияси тасдиқланиб, унда: эргин иқтисодий зоналарда ихтисослашувни, инвестиция лойихаларини танлаш мезонларини, такдим этиладиган имтиёзлар ва давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг бошқа турларини белгилаш;</p> <p>Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларни жалб қилиш бўйича зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, ижтимоий ва маданий жамоат объектлари билан таъминлаш;</p> <p>Эркин иқтисодий зоналар бошқарув тизимини такомиллаштириш, жумладан дирекциялар фаолиятини ташкил этишда ягона тизимни белгилаш, кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш, хорижий компаниялар ва тадбиркорлик субъектларига ишончнома асосида эргин иқтисодий зона дирекцияси бошқарувини бериш;</p> <p>Эркин иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашлари ва дирекциялари фаолиятини ташкил етиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш назарда тутилади.</p> <p>Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида амалга оширилган лойихалар қийматини 2020 йилгача камида 2 бараварга оширишга эришилади.</p>
120.	Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятининг хукукий асосларини такомиллаштириш.	2019 йил 1 март	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада эргин иқтисодий зоналар бўйича қабул килинган қонун хужжатларини хатловдан ўтказиш асосида «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чикиш назарда тутилади.</p>
121.	Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш.	2019 йил 1 март	Давлат-хусусий шериклик агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги	—	—	<p>Норматив-хукукий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: девлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган хужжатларни хатловдан ўтказиб, ёндашув, тартиб ва амалга ошириш механизмини унификациялаш; лоиҳалар амалга ошириладиган соҳа ва корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда шартларини белгилаш; инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш</p>

						сохаларида давлат-хусусий шерикликни жорий килиш режасини тасдиқлаш назарда тутилади.
122.	Ўзбекистон Республикасининг «Концессиялар тўғрисида»ги Конунини қайта кўриб чиқиш.	2019 йил 1 март	Давлат-хусусий шериклик агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	–	–	Ўзбекистон Республикаси конуни лойихаси. Лойихада: концессия объектларини бериш, шартномани расмийлаштириш, давлат ва инвесторларнинг ўзаро муносабатларини аниқ тартибга солувчи механизмларни белгилаш; «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги конун лойихасини «Концессиялар тўғрисида»ги Конун нормаларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.
3.9. Жаҳон бозорларига интеграция килиш ва экспортни қўллаб-куvvatлаш						
123.	Фермер ва дехкон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотлар экспорти ҳажмини янада кўпайтириш.	2019 йил 1 июнь	Ташки савдо вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси. Лойихада: хар бир ҳудудда йирик ҳажмли музлаткич ва шоқ музлатиш ускуналари, гидрокулерларни ўрнатиш ва юкори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспортга тайёрлашни ташкил этиш; хар бир ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саклаш, ички ва ташки бозорга сотишига ихтисослашган кооперативлар ташкил этиш; миллий экспорт-импорт порталини ташкил этиш орқали дунёнинг барча нукталарида маҳсулотларга мавжуд талаб ва таклиф ҳақида маълумотларни «онлайн» режимида тезкор олиш имкониятини яратиш; республика ва чет элда мева-сабзавотларни реализация килиш бўйича замонавий савдологистика мажмуалари — «хаб» ларни ўз ичига олган савдо майдончаларини ташкил этиш; хориждаги савдо самарадорлиги паст, фойдаланилмаётган савдо уйларини оптималлаштириш ёки салоҳиятли тадбиркорларга фойдаланиш учун бериш назарда тутилади.
124.	Республикада экспорт ҳажмини оширишга хизмат қиласидиган чегараолди савдо марказларини ташкил этиш.	2019 йил 1 сентябрь	Ташки савдо вазирлиги, ТИВ, Адлия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси. Лойихада: чегараолди ҳудудларда дилерлик марказлари, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш ва бошқа турдаги майший хизмат кўрсатиш объектларидан ташкил топган савдо мажмуаларини барпо этиш; визасиз тартиб жорий қилинмаган чет эл фуқароларига маълум муддат давомида савдо

			хокимликлари			мажмуаси худудига виза расмийлаштирумасдан ташриф буюришга рухсат бериш назарда тутилади.
125.	Божхона тартиботларини соддалаштириши хамда давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорларни кўллаб-кувватлаш.	2019 йил 1 февраль	Давлат божхона қўмитаси, Ташки савдо вазирлиги, Давлат-хусусий шериклик агентлиги, вазирлик ва идоралар	–	–	Чора-тадбирлар режаси. Режада: янги замонавий чегарадан ўтказиш терминалларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этиш учун техник ва молиявий шартларни тайёрлаш; 2019–2021 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида камидаги 8 та, шунданд 2019–2020 йилларда 4 та ўтказиш терминалларини барпо этиш; чегара божхона постларида назорат тартиботларини бажаришда санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари фаолиятини самарали ва оператив мувофиқлаштириш; барча чегара-божхона постлари инфратузилмасини тегишли миқдорда замонавий инспекция кўрик мажмуалари (сканерлар) ва божхона назоратининг бошқа техника воситалари билан жихозлаш назарда тутилади.
126.	Экспорт-импорт операциялари амалга оширишни янада такомиллаштириш, жумладан расмийлаштириш муддатларини, зарур хужжатлар сонини хамда харажатларни қисқартириш.	Йил давомида	Давлат божхона қўмитаси, Ташки савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда «ягона дарча» унификация қилинган божхона ахборот тизимини такомиллаштириш хамда сертификатлар ва рухсат бериш тусидаги хужжатларнинг ўз вақтида тизимга киритилишини таъминлаш чоралари амалга оширилади.
127.	Экспорт қилинаётган маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий давлатлардаги расмийлаштирув вақтини қисқартириш чораларини кўриш.	2019 йил 1 ноябрь	Ташки савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, ТИВ, Адлия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги	–	–	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: экспорт қилинаётган маҳсулотлар хорижий мамлакатлар худудига етиб боришидан олдин рухсат этувчи (мувофиқлик ва ветеринария сертификатлари, карантин рухсатномаси ва бошқалар) хужжатларни реал вақт режимида алмашиш, уни ваколатли органлар ўртасида интеграциялаш бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш; асосий экспорт қилинадиган, экспорт салоҳияти мавжуд мамлакатлардаги ваколатли органлар билан ўсимликлар карантини, санитария-эпидемиологик назорат, стандартлар ва ветеринария соҳасида халқаро шартномалар тузиш, мавжудларини қайта кўриб чиқиш орқали назоратни соддалаштириш назарда тутилади.

128.	Экспортга йўналтирилаётган товарлар учун тарифларни арzonлаштириш ва экспорт логистикаси самарадорлигини ошириш.	2019 йил 1 март	Ташки савдо вазирлиги, Монополияга қарши курашиб кўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон хаво йўллари» МАК	-	-	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: экспортга йўналтирилган товарларни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ темир йўлларида ташиб хизматларини бюджетдан кисман қоплаш механизмини яратиш; Жаҳон банкининг «логистика самарадорлиги индекси»даги ўрнимизни камидаги яхшилаш; хорижий давлатларнинг (Қозогистон, Россия, Туркманистон, Эрон, Озарбайжон ва бошқалар) темир йўлларида юкларни ташиб учун преференциялар олиш чораларини кўриш назарда тутилади.
129.	Экспортёларни ташки бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминловчи ягона ўзаро интеграциялашган ахборот тизимини шакллантириш.	2019 йил 1 сентябрь	Ташки савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ташки иқтисодий фаолият товар номенклатуруси асосида хориж мамлакатларида жорий қилинган божхона тўловлари ва солиқ ставкалари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш; ташки бозорларда хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни, бозорларга кириш шарт-шароитларини, мавжуд чекловларни доимий ўрганиш; ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ташки савдо операцияларини кузатиш имкониятини берувчи «шахсий кабинет» яратиш назарда тутилади.
130.	Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган киймат солигидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар ва хом ашё рўйхатини қайта кўриб чиқиш.	2019 йил 1 март	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси	-	-	Норматив-хукукий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада рўйхатга киритилмаган ускуналарни киритиш, технологик ускуналар ҳамда уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари хисобланмаган товарларни рўйхатдан чиқариш назарда тутилади.
131.	Тадбиркорлик субъектларининг ташки савдо фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш.	2019 йил 1 июль	Ташки савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	Норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда тадбиркорлик субъектларининг ташки савдо фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш орқали мавжуд қоидалар соддалаштирилади ва кодификация қилинади.
132.	Божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташки иқтисодий фаолият қатнашчиларини аниqlаш воситаларидан самарали фойдаланиш	2019 йил 1 июль	Давлат божхона қўмитаси	-	-	Чора-тадбирлар режаси. Режада божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташки иқтисодий фаолият қатнашчилари рўйхатини «Хавфни бошкариш»

	учун хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилишини жадаллаштириш.					автоматлаштирилган ахборот тизими орқали шакллантириш назарда тутилади.
133.	Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти йўлларининг ўтказувчанлик ҳолатини ошириш.	Йил давомида	Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи савдо вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	Хисобкитобларга асосан	Давлат бюджети ва лойиҳага жалб қилинган тадбиркорлар маблағлари	<p>Чора-тадбирлар дастури. Дастурда:</p> <p>мамлакат ҳудуди бўйлаб ўтган халқаро даражадаги автомобиль йўлларининг, айниқса, давлат чегараси орқали ўтиш пунктларига олиб борадиган тирбанд йўлларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқиши;</p> <p>республиканинг транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш;</p> <p>давлат дастурларини шакллантиришда мавжуд темир йўл тармокларининг ўтказувчанлигини оширишига эътибор қаратиш;</p> <p>ҳаво транспорти орқали экспорт ҳажмини ошириш ва мазкур соҳага хорижий ҳаво компанияларини кенг жалб қилиш назарда тутилади.</p>

IV. ИЖТИМОЙИ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш

134.	Энг кам ойлик иш ҳақи микдорини белгилаш тартибини қайta кўriб чiқishi.	2019 йил 1 март	Молия вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк	—	—	<p>Чора-тадбирлар дастури. Дастурда:</p> <p>солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи микдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш; ходимларнинг иш ҳақи микдорини ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентини ошириш ҳисобига кўпайтириш;</p> <p>пенсия, стипендия ва нафақалар микдорини ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентларини ошириш кўрсаткичидан келиб чиқиб кўпайтириш назарда тутилади.</p>
135.	Мехнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиши.	2019 йил 20 декабрь	Мехнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада:</p> <p>бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар; ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор килишнинг соддалаштирилган тартиби, ходим билан бир вактда иш берувчининг ҳам манбаатларини ифодалайдиган қоидалар;</p> <p>Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини имплементация қилиш ва меҳнат муносабатларини тўғридан-тўғри тартибга</p>

						солувчи нормалар назарда тутилади.
136.	Иш ўринларини ташкил этишини янада рағбатлантириши механизмларини жорий этиш.	2019 йил 30 январь	Меҳнат вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, тижорат банклари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	—	—	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳа билан 2019 йил учун Бандликка кўмаклашиш давлат дастури тасдиқланади.</p> <p>Давлат дастурида:</p> <p>давлат буюртмаси механизмини жорий этиш хисобига иктисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларида камидা 221,5 минг доимий иш ўрни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;</p> <p>фуқароларни ташкиллаштирилган ҳолда хорижий давлатларда ишга жойлаштириш орқали 200,4 минг аҳолини иш билан таъминлаш;</p> <p>бандликка кўмаклашиш марказлари орқали 338,7 минг фуқарони иш билан таъминлаш;</p> <p>касбга ўқитиш, хукукий ва бошқа турдаги маслаҳатлар бериш каби ижтимоий ёрдамнинг номолиявий усулларидан кенг фойдаланиш;</p> <p>мақсадли дастурларга мувофиқ микрокредитглаш хисобига аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш миқдорини кескин ошириш назарда тутилади.</p>
137.	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган ишсиз фуқароларга, ижтимоий химояга муҳтоҷ шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия тақдим этиш тизимини яратиш.	2019 йил 1 март	Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси	6,3 млрд сўм	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>Лойиҳада:</p> <p>аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун харажатларни энг кам ойлик иш ҳаки 10 баравари миқдорида тўлаш;</p> <p>ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир ходим учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш. Бунда ишга қабул қилинган шахслар бандлигини энг кам сон ошган санадан бошлаб камидা 12 ой давомида саклаш;</p> <p>иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга қайта ўқитиш ва малакасини оширишга сарфланадиган</p>

						харажатларни молиялаштиришга ҳар бир ходим учун энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баравари миқдорида ҳақ тўлаш назарда тутилади.
138.	Мехнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлиги ва меҳнат фаолиятининг «шахсий тарихи»ни акс эттирувчи «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий комплексини яратиш.	2019 йил 1 октябрь	Мехнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солик кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, Давлат персоналлаштириш маркази, Халқ банки, Касаба уюшмалари Федерацияси	5,2 млн АҚШ доллари	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: иш билан банд ҳар бир фуқаро ва ҳар бир иш ўрнининг хисобини юритиш имконини берадиган идоралараро дастурий комплексни яратиш, электрон меҳнат шартномаларини юритишни назарда тутувчи 6 ойлик ўтиш даврини инобатга олган ҳолда маҳсус ахборот тизимини ишга туширишга оид ташкилий чора-тадбирлар; электрон базага маълумотлар ўз вақтида ва тўлиқ киритилмаганлиги учун маъмурий жавобгарлик чоралари назарда тутилади.
139.	World Skills International (WSI) уюшмаси ва соҳанинг бошқа халқаро етакчи ташкилотлари методологияси бўйича ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари соҳаларида ишчиларни ўқитиш тизимини жорий этиш.	2019 йил 1 сентябрь	Мехнат вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	—	—	Чора-тадбирлар режаси. Режада: «Ўқиши — World Skills имтиҳонини топшириш» касбга ўқитиш тамоилини жорий этиш; Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштириш орқали банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш; бошқа халқаро етакчи ташкилотлар методологиялари асосида ўқитиш ва малака ошириш тизимини жорий этиш назарда тутилади.
140.	Ўзбекистонда ёшларни касбий ўқитишнинг замонавий тизимини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида халқаро «World Skills International» уюшмасига қўшилиш.	2019 йил 1 декабрь	Мехнат вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси	10 млрд сўм	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Мехнат вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар муассислигида «World Skills Uzbekistan» уюшмасини ташкил этиш; «World Skills Uzbekistan» бошчилигига ишчи касблар бўйича миллий чемпионатни ўтказиш; Ўзбекистон делегациясининг 2019 йилда Қозон шаҳри (Россия)да бўлиб ўтадиган «World Skills International» жаҳон чемпионатида қатнашишини таъминлаш ишлари амалга оширилади.
141.	Халқаро стандартларга мувофиқ касбий малакани баҳолаш тизимини жорий этиш.	2019 йил 1 февраль	Мехнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳада: Мехнат вазирлигидан аккредитациядан ўтган нодавлат ташкилотларга фуқаролар малакасини ошириш ва касбий малакасини баҳолаш хукуқини бериш;

						фукаролар малакасини ошириш ва касбий малакани баҳолаш ташкилотлари тизими яратилишини, жумладан давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида рабатлантириш; нодавлат ташкилотлар томонидан фукароларга белгиланган намунадаги касбий кўникмани тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш; барча ишчи ва хизматчиларга касбий малакасини инобатга олган ҳолда табақалаштирилган ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш назарда тутилади.
142.	Мехнат гузарлари ва коворкинг марказларида фукароларни тадбиркорлик лойиҳалари тайёrlаш бўйича ўқитиш амалиётини жорий этиш.	2019 йил 1 март	Ўзбекистон ёшлар иттифоки, Мехнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси	Хисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада: Ўзбекистон ёшлар иттифоки, Савдо-саноат палатаси тузилмалари орқали фукароларни меҳнат гузарлари ва коворкинг марказларида тадбиркорлик лойиҳаларини тайёrlаш бўйича ўқитиш; тадбиркорлик фаолиятини бошлаган фукароларни биринчи йилда бадалдан озод этган ҳолда, Савдо-саноат палатасига аъзо қилиш ва уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш назарда тутилади.
143.	Ўзбекистон Республикаси «Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конунининг янги таҳририни ишлаб чиқиши.	2019 йил 1 июль	Меҳнат вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: иш берувчининг иқтисодий мустақиллиги тамоилини кучайтириш; қонуности хужжатлардаги нормаларни бевосита қонунда белгилаш; ўзини ўзи банд қилишнинг замонавий ва самарали шакллари, жумладан масофавий меҳнат, фрилансинг каби фаолият турларини кенгайтириш ва унинг мақомини белгилаш назарда тутилади.

4.2. Ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириши

144.	Болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандларнинг оналарини янада кўллаб-кувватлаш.	2019 йил 20 февраль	Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат вазирлиги	3,6 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандларнинг оналарига улар пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, ижтимоий нафака тайинлаш назарда тутилади.
145.	Пенсия тайинлаш учун зарур хужжатларни йиғиши жараёнини тубдан оптималлаштириш.	2019 йил 1 июль	Молия вазирлиги, «Ўзархив» агентлиги, Мехнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: архивлардаги маълумотларнинг электрон

			технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар			базасини яратиш; идораларо ахборот алмашувини жорий этиш; давлат хизматлари маркази орқали пенсия ва Пенсия жамғармаси томонидан тўланадиган ижтимоий нафака тайинлаш давлат хизматини йўлга кўйиш назарда тутилади.
146.	Боланинг оиласида яшаш ва тарбияланиши хукукини кафолатлаш мақсадида патронатга (оила тарбиясига) берин амалиётини кенгайтириши.	2019 йил 1 май	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси. Лойихада: патронат тизимини кенгайтириш ҳисобига тўлиқ давлат таъминотидаги болалар сонини камайтириш; патронатга берилган болалар учун нафака миқдорини энг кам ойлик иш ҳаки уч бараваридан саккиз бараварига ошириш, патронатга берилган болалар ҳаётини мониторинг килиш тизимини жорий этиш назарда тутилади.
147.	Тиббиёт муассасаларида курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.	Йил давомида	Соғликни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	972,3 млрд сўм	Ўзбекистон Республикаси давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 231 та тиббиёт обьектида, жумладан 13 та республика, 44 та вилоят тасарруфидаги муассасалар, 59 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, 99 та қишлоқ, шаҳар оиласий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари, 16 та бошқа тиббиёт муассасаларида 972,3 млрд сўмлик курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилади. Хусусан, 27 та янги обьект қуриш, 176 та обьектни реконструкция килиш ва 28 та обьектни мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилади.
148.	Тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш мақсадида даволаш-профилактика муассасаларини жиҳозлаш.	Йил давомида	Соғликни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	109,6 млн АҚШ доллари	Халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш, тармоқ жадвалларини тасдиқлаш ва даволаш-профилактика муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.
149.	Тез тиббий ёрдам хизматини автотранспорт воситалари билан таъминлаш.	Йил давомида	Соғликни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси	Ҳисоб-китобларга асосан	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Тез тиббий ёрдам хизмати учун жаҳон таалабларига мос бўлган, харакатланиш давомида беморга реанимацион тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган

						75 та реанимобиллар ва ҳаракатланиши қийин йўллардан юра оладиган 50 та махсус тез тиббий ёрдам автомашиналари сотиб олиниади. Шошилинч ёрдам хизматини янги босқичга кўтариш мақсадида авиация техникаси билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.
150.	Хусусий тиббиёт хизмати соҳасини янада ривожлантириш ва соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш.	Йил давомида	Соғликни саклаш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Хисоб-китобларга асосан	Ташаббускорлар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Республика бўйича 272 та, жумладан 47 та чет эл инвестицияси иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилади.
151.	Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ривожланган давлатлар олий тиббий таълим муассасаларининг кенг иштирокини таъминлаш.	Йил давомида	Соғликни саклаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, ТИВ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Ўзбекистондаги тиббиёт таълим муассасаларида Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Германия ва Италия тиббиёт университетларининг кўшма дастурлари, кўшма факультет ва филиалларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.
152.	Ахолига кўрсатилаётган онкологик тиббий хизмат сифатини ошириш ва профилактик тадбирлар қамровини кенгайтириш.	2019 йил 1 май	Соғликни саклаш вазирлиги, Инновацион соғликни саклаш миллий палатаси, ТИВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича махсус скрининг дастурини қабул қилиш ва уни молиялаштириш манбаларини аник белгилаш; аёлларда бачадон бўйи ва кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш учун махсус скрининг дастурини тасдиқлаш; бачадон бўйи ва кўкрак бези саратони «канцер регистри»ни шакллантириш; тиббиёт муассасаларини саратонга қарши дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш; хайрия маблағларини жалб қилиш учун махсус хисоб ракамига эга жамоат онкология харакатини шакллантириш бўйича амалий чора-тадбирлар назарда тутилади.
153.	Санитария-эпидемиология хизматини янада таъминлаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш.	2019 йил 15 февраль	Соғликни саклаш вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	Хисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети, халқаро молия институтлари маблағлари	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: самараисиз санитария-гигиена лабораторияларини оптималлаштириб, улар негизида замонавий туманлараро лабораториялар ташкил этиш; ДСЭНМларининг вакцина саклаш

						омборхоналарини таъмирлаш ва реконструкция килиш; касалликларни назорат килиш марказлари бўйича хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ДСЭНМлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш; штатлар меъёrlарини танқидий қайта кўриб чиқиб, иш жараёнiga самарали методлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш хисобига самарасиз штат бирликларини мақбуллаштириш; ДСЭНМларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, жумладан вакциналарни саклашга мўлжалланган 30 та совутгич, 230 та музлатгич, 15 та авторефрижератор ва 200 та вакцина ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаларини харид килиш; юкумли касалликлар ва оммавий заҳарланишлар бўйича хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тиббиёт муассасалари ўртасида шошилинч ахборот алмашинувнинг ягона дастурини яратиш назарда тутилади.
154.	Давлат бюджети хисобидан қопланадиган кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш.	2019 йил 1 июнь	Соғлиқни саклаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион соғлиқни саклаш миллӣй палатаси, Адлия вазирлиги	—	—	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада ахолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг давлат томонидан қопланадиган кафолатланган ҳажми ва турларини аниқ белгилаш назарда тутилади.
155.	Давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.	2019 йил 1 апрель	Соғлиқни саклаш вазирлиги, Молия вазирлиги	—	—	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: 16 та тумандаги тиббиёт муассасаларини «ҳар бир даволанган ҳолат» учун клиник-харажат гурухлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш механизмларини жорий этиш; «маблаг бино учун эмас, балки бемор учун» тамойили асосида ишни ташкил этиш назарда тутилади.
156.	Давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан бепул таъминлашни яхшилаш.	Йил давомида	Соғлиқни саклаш вазирлиги, Молия вазирлиги	16 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга 13 мингта протез-ортопедия буюмлари, 10 мингта ногиронлик аравачалари, 2 минг жуфт эшитиш аппаратлари, 3 мингта ҳасса, 2 минг жуфт қўлтиқ таёқ билан бепул тақдим этилади.
157.	Узок қишлоқ ва овулларда ўзгалар	2019 йил	Соғлиқни саклаш вазирлиги,	—	Давлат бюджети	Чора-тадбирлар режаси.

	парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга мунтазам равиша тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатувчи «мобиљ ижтимоий гурухлар» фаолиятини ташкил қилиш.	1 октябрь	Меҳнат вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоки		ва ҳомийлар маблағлари	Режада узок қишлоқ ва овулларда ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга мунтазам равиша тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатувчи тиббий ва ижтимоий ходимлар, «Кизил ярим ой» жамияти ходимлари, маишӣ хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, Ёшлар иттифоки вакилларидан иборат «мобиљ ижтимоий гурухлар» фаолиятини ташкил этиш назарда тутилади.
158.	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро молия институтлари кўмагида Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида юқумли бўлмаган касалликларнинг (инфаркт, инсульт, қандли диабет, сурункали нафас аъзолари касалликлари) олдини олиш лойиҳасини амалга ошириш.	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари хокимликлари	—	Халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 40 ёшдан ошган фуқароларда маҳсус текширувлар ва саволнома асосида юқумли бўлмаган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта аниқлаш бўйича скрининг тадбирларини ўтказиши; бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираларини маҳсус дастур асосида ўқитиш назарда тутилади.
159.	Халқ генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационини янада яхшилаш дастурини ишлаб чиқиши.	2019 йил 20 апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда халқимиз генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационини яхшилаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиш ва амалдаги меъёрларни кайта кўриб чиқиши назарда тутилади.
160.	Мажбурий тиббий суғурта механизmlарини жорий этишининг хукукий асосларини такомиллаштириш.	2019 йил 1 июль	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада: 2021 йилдан бошлаб мажбурий тиббий суғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш; мажбурий тиббий суғурта тизимиға босқичма-босқич ўтиш бўйича норматив-хукукий базани шакллантириш; соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ажратилаётган пул маблағларини жамлаш ва таксимлаш механизmlарини такомиллаштириш; «ҳар бир тўлиқ даволанган ҳолат» ҳисобидан келиб чиқиб молиялаштириш механизmlарини жорий қилиш; тиббий суғурта дастурларини амалга оширишга нодавлат тибиёт ташкилотларини кенг жалб этиш назарда тутилади.
161.	Нейросенсор кар ёки заиф эшигадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда	Йил давомида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	26,5 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда нейросенсор кар ёки заиф эшигадиган ногиронлиги бўлган болаларнинг эшитиш

	операциялар ўтказиш.					қобилиятини тиклаш бўйича операциялар ўтказилади.
162.	Ўзбекистон Республикасида нуклеар тиббиёт марказини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июль	Соғликни саклаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни саклаш миллий палатаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-хукукий хужжат лойихаси: Лойихада: Ўзбекистон Республикасида нуклеар тиббиёт марказини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш; нуклеар тиббиётни ривожлантириш орқали инсон организмидаги ўзгаришларни барваҳт аниқлаш, касалликларга илк босқичида ташхис кўйиш ва онкологик касалликларни самарали даволаш имконини яратиш назарда тутилади.
163.	Тиббиёт муассасалари таркибида умидсиз оғир беморлар учун хоспис бўлимларини ташкил қилиш .	2019 йил 1 октябрь	Соғликни саклаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни саклаш миллий палатаси, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Норматив-хукукий хужжат лойихаси: Лойихада тиббиёт муассасаларидаги бўш турган ҳудуд ва мавжуд ўринлардан самарали фойдаланиш, улар таркибида умидсиз оғир беморлар учун хоспис бўлимларини ташкил қилиш, зарур моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш ва фаолиятини ташкил этиш масалалари назарда тутилади.
164.	Давлат тиббиёт муассасалари фаолиятини уларнинг натижадорлиги кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш.	2019 йил 1 май	Соғликни саклаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни саклаш миллий палатаси, вазирлик ва идоралар	—	—	Идоравий норматив-хукукий хужжати лойихаси: Лойихада: Соғлиқни саклаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасалари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш; хар йил якунига кўра, мазкур рейтингни оммавий ахборот воситалари ва вазирлик сайтида эълон қилиш; баҳолашни муассаса фаолиятининг якуний натижалари ва ўлчанадиган кўрсаткичлари асосида ўтказиш; бирламчи тиббиёт муассасаларида профилактика билан боғлиқ кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратиш; рейтинг натижасига кўра, энг юкори баҳоланган муассасалар раҳбарлари ва ходимларини Соғлиқни саклаш вазирлиги маблағлари хисобидан рағбатлантириш, паст баҳо олганларга меҳнат шартномасини бекор қилишгacha бўлган интизомий жазо чораларини кўллаш назарда тутилади.
165.	Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд катламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга ижтимоий	2019 йил 1 июнь	Вазирлар Маҳкамаси, Соғликни саклаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Халқ	—	—	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойихаси. Лойихада: аҳолининг эҳтиёжманд катламлари —

	хизмат кўрсатиш соҳасида маҳсус ваколатли давлат органини ташкил этиш.		таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги			кексалар, ногиронлиги бўлган болалар ва катта ёшдаги шахслар, ёлғизлар, етим ва ота-она қаровисиз колган болалар, кам таъминланган оилалар, вояга етмаган кўп болали оилалар, 2 ёшгача бола парвариш қилаётган оналар, муқим яшаш жойи бўлмаган шахсларни манзилли ижтимоий химоя қилиш, уларга самарали ижтимоий хизматларни ташкил қилиш,abilitация, реабилитация қилиш вазифаларини бажаришга ихтиослашган маҳсус ваколатли давлат органини ташкил этиш назарда тутилади.
166.	Ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида яқин қариндошлар ўртасида никоҳни тақиқлашнинг хукукий асосларини такомиллаштириш.	2019 йил 1 июль	Соғлиқни саклаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	–	–	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида яқин қариндошлар ўртасида никоҳни тақиқлаш масаласининг хукукий асосларини такомиллаштириш ва бу борада тарғибот ишларини амалга ошириш назарда тутилади.
167.	Оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларни янада кўллаб-кувватлаш.	2019 йил 20 февраль	Хотин-қизлар кўмитаси, Мехнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар корхоналардаги бўш ва квоталангтан иш ўринларига жойлаштирилади, хунармандчилик, оиласиёв тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда манзилли асосда иш билан таъминланади.
168.	Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни уй-жой нархининг бошланғич тўлов миқдорини тўлаб бериш оркали кўллаб-кувватлаш.	Йил давомида	Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-кувватлаш жамоат фонди, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	60 млрд сўм	Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Тадбир доирасида 1 584 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқиз оиласида тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга имтиёзли ипотека кредити асосида арzon уй-жойлар берилади.
229.	Илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва илмий ишланмалар бўйича амалий натижадорликни ошириш.	2019 йил 1 март	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси	—	—	<p>Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойихада:</p> <p>мавжуд илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини хатловдан ўтказиш;</p> <p>ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюоролари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар ташкил этиш;</p> <p>илмий-тадқиқот муассасаларининг рейтинг тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади.</p>
230.	Технопаркларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи конунчилик базасини такомиллаштириш.	2019 йил 1 март	Инновация вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	—	—	<p>Чора-тадбирлар режаси. Режада:</p> <p>технопаркларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи амалдаги конун хужжатларини таҳлил қилиш;</p> <p>технопарклар фаолиятини ривожлантириш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш назарда тутилади</p>
4.6. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш						
231.	«Yoshlar — kelajagimiz» давлат дастури доирасида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлаш.	Йил давомида	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Мехнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Қарақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар	2 трлн сўм, шундан 500 млрд сўм бюджет маблағлари	«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси ва бошқа манбалар маблағлари	<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси маблағларидан 2 трлн сўмдан ортиқ маблағ ажратиши орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.</p>

			хокимликлари			
232.	«Ўзбекистон ёшлари умумжахон ассоциацияси» фаолиятига эътиборни кучайтириш, унинг вакиллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш.	2019 йил 1 март	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	–	–	Норматив-хукуқий хужжат лойихаси. Лойихада «Ўзбекистон ёшлари умумжахон ассоциацияси» фаолиятига хар томонлама кўмаклашиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш назарда тутилади.
233.	Ёшлар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ошириш чораларини кўриш.	2019 йил 1 февраль	Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, вазирлик ва идоралар, Корагонистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	Хисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда давлат-хусусий шериклик асосида янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, уларни замонавий ёшлар масканларига айлантириш чораларини кўриш, ушбу боғларда, биринчи навбатда, спорт майдончалари, амфитеатр ва кичик саҳналар, кутубхона, «Book cafe», шунингдек бепул «wi-fi» худудларни ташкил этиш назарда тутилади.

V. ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШКИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

5.1. Хавфсизлик, диний бағриенглик ва миллатлараро тутувликини таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар

234.	Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Куролли Кучларнинг жанговар қурдатини ошириш.	2019 йил 10 апрель	Мудофаа вазирлиги, ДХХ, Мудофаа саноати давлат кўмитаси, ФВВ, Миллий гвардия, Давлат божхона кўмитаси, вазирлик ва идоралар	–	–	Комплекс чора-тадбирлар дастури. Дастурда: давлат харбий хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги қонун хужжатларини хисобга олиб, Куролли Кучларни кўллашни режалаштиришнинг хукуқий асосларини янгилаш; Куролли Кучлар жанговар таркиби ва тузилиши сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш; харбий кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, харбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ташкил этишининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиши; Куролли Кучлар миллий рухини юксалтириш, аскар, сержант ва офицерларни баркамол этиб тарбиялаш тизимини такомиллаштириш; мамлакат мудофаасини бошқариш миллий марказини яратиш ва фаолиятини таъминлаш; илғор ахборот-коммуникация технологиялари асосида кўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш; кўшинларни 2018-2021 йилларда замонавий курол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш, уларни модернизация килиш ва таъмирлаш комплекс дастурини ижро этиш;
------	--	--------------------	---	---	---	--

							давлат мудофаа буюртмаси, мудофаага мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариши ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш назарда тутилади.
235.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати комплексини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июль	Мудофаа саноати давлат кўмитаси, Мудофаа вазирлиги, ДХХ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар	–	–	Normativ-xуқуқий хужжатлар лойихалари. Лойихаларда: харбий ва икки хил мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий корхоналарнинг манфаатини ошириш ва инвестицияларни рагбатлантириши назарда тутувчи мудофаа саноати корхоналарини давлат томонидан кўллаб-куватлаш тизимини яратиш; мудофаа саноати ва бошқа саноат тармоқлари билан тузилмавий диверсификация ва интеграциялашувни таъминлаш; Давлат мудофаа саноати комплексининг «Инновация технологиялари маркази» негизида харбий ва икки хил мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, энг янги материал ва хом ашёларнинг янги турларини loyihalaштириш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт соҳасидаги илмий- тадқикот ташкилотлари ва таълим муассасалари, алоҳида компаниялар ишланмаларини консолидация қилиш бўйича мудофаа саноати комплексининг илмий-конструкторлик кластерини яратиш; Куролли Кучларнинг юкори сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган харбий-техникавий мулкни сотиб олиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.	
236.	Давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида чегара назорати сифатини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июнь	ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ТИВ, Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази	Хисоб- китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лоихаси. Лойихада: ДХХ Чегара кўшинлари назоратчилар таркибини мобил видеокамералар билан босқичма-босқич таъминлаш; замонавий талабларга жавоб берувчи «шахсни аниқлаштириш» тизимини жорий этиш; чегара назоратидан ўтиш жараёни муддатини қисқартиришга қаратилган паспорт ва чегара назорати механизмини автоматлаштириш, «электрон дарвозалар»ни (E-GATE) босқичма- босқич жорий этиш назарда тутилади.	
237.	Мамлакатнинг ахборот	2019 йил	«Ўзалоқаназорат»	Хисоб-	Ахборот-	Чора-тадбирлар режаси.	

	хавфисзилигини таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш.	1 август	инспекцияси, ДХХ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратура, ИИВ, Матбуот ва ахборот агентлиги, Дин ишлари бўйича кўмита, Республика маънавият ва маърифат маркази	китобларга асосан	коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	Режада: «ракамли криминалистика» ихтисослаштирилган лабораториясини яратиш; миллий кибермаконда ахборот хавфисзилиги ходисаларига тезкор чора кўриш бўйича «UZCERT» хизматини такомиллаштириш; ахборот хавфисзилиги талабларига мувофиқ давлат органларида кўлланиувчи дастурий таъминотни сертификациялаш механизмини татбиқ этиш; кибержиноятлардан сақланиш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек мазкур соҳада етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш назарда тутилади.
238.	Миллий-маданий марказлар, дўстлик жамиятлари ролини янада ошириш ва уларнинг ахоли ҳаётидаги иштирокини кучайтириш.	2019 йил 10 март	Миллатларапо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, ТИВ, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар, миллий маданий марказлар	–	–	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: маданий-гуманитар алмашинув ва дўстона алоқаларни кучайтиришга каратилган тадбирларда ахолининг кенг қатламлари ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш; миллий-маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг хорижий давлатлар билан хамкорлигини фаоллаштириш; вазирлик ва идораларнинг миллий-маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан хамкорлигини мустаҳкамлаш назарда тутилади.
239.	«Маърифий ислом» мазмун-моҳиятини фаол тарғиб қилиш ишларини жадаллаштириш.	2019 йил 1 март	Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ислом цивилизацияси маркази, ТИВ, Адлия вазирлиги, ИИВ, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	–	–	Чора-тадбирлар режаси. Режада: экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишига каратилган ҳалқаро конференциялар, симпозиумлар ва давра сұхбатлари ўтказиш; диний ва маданий меросни тиклаш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни жаҳон ҳамжамиятига етказиш мақсадида хорижий мамлакатларда тадбирлар ўтказиш; экстремизм, фундаментализм ва терроризм ғояларининг анъянавий ислом динига зид эканлигини изоҳловчи илмий ва хужжатли фильмларни, жумладан хорижий тилларда яратиш назарда тутилади.
240.	Барча ахоли қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартибини такомиллаштириш ва	2019 йил 1 август	ФВВ, ИИВ, ДХХ, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар	–	–	Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари. Лойиҳаларда: ахолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

	оптималлаштириш.		Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари			фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларда ахолининг иштироқини фаоллаштириш; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш назарда тутилади.
241.	Хорижий шериклар билан харбий ва харбий-техник ҳамкорликни фаоллаштириш тизимини такомиллаштириш.	2019 йил 30 апрель	Мудофаа вазирлиги, ДХХ, Миллий гвардия, ТИВ, Давлат божхона қўмитаси	–	–	Хорижий шериклар билан харбий ва харбий-техник ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси («йўл ҳаритаси»). Режада: хорижий шерик давлатлар билан биргаликда ҳалкаро харбий ва харбий-техник ҳамкорликнинг миқёси ва географиясини кенгайтириш; етакчи хорижий давлатларнинг қўшинлари, шунингдек олий харбий таълим муассасалари ва тадқикот марказлари билан биргаликда харбий хизматчиларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш; Куролли Кучлар жанговар-хизмат фаолиятида хорижий мамлакат қўшинларининг илгор тажрибасини чукур ўрганиш ва кенг татбиқ этиш назарда тутилади.
242.	Ўзбекистоннинг чегара олди туманларида хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида қонун бузилишини бартараф этиш, аниқлаш ва олдини олиш тизимини такомиллаштириш .	2019 йил 20 август	ДХХ, ИИВ, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар	–	–	Ўзбекистоннинг чегара олди туманларида хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси. Режада: чегара олди худудларининг аҳолиси билан ишлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Мусулмонлар идораси вакиллари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ДХХ Чегара қўшинлари билан ҳамкорлигини кучайтириш; жамоат ташкилотлари ходимларини чегара олди туманларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги қўнималарини ошириш бўйича тизимли ўқитиш; Ўзбекистоннинг чегара олди туманлари аҳолисини террорчиллик ва диний экстремистик ташкилотларнинг ғоялари таъсиридан сақлаш, қонун бузилиши ва жиноятчилик ҳолатларини камайтириш чораларини амалга ошириш назарда тутилади.
243.	Марказий Осиё давлатлари билан чегара ўтказиш пунктларини такомиллаштириш ишларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.	2019 йил 20 октябрь	Давлат божхона қўмитаси, ДХХ, ИИВ, Бош прокуратура, ТИВ, вазирлик ва идоралар	–	–	Комплекс чора-тадбирлар дастури. Дастурда: фуқаролар ва транспорт компанияларига чегара олди ўтказиш пунктларини кесиб ўтишда

						кулай шароитлар яратиш; чегара олди ўтказиш пунктларининг ўтказиш қобилиятини кенгайтириш; божхона назорати самарадорлигини ошириш; Марказий Осиё давлатлари ўртасида ташки савдо айланмаси ва ўзаро муносабатларни янги боскичга қўтариш назарда тутилади.
244.	Миллий ахборот маконини химоя қилиш бўйича Интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш.	2019 йил 1 август	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихаси. Лойиха билан Ўзбекистон ахборот маконини химоя қилиш бўйича 2019-2021 йилларда халқаро Интернет ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланади. Дастурда: миллий контент ва ИТ-стартаплар ривожланишини қўллаб-қувватлаш давлат фондини ташкил қилиш; блогерлик фаолиятини тартибга солиш ва бошқарув механизмини тақомиллаштириш; миллий блогерлар клубини яратиш, зарур ва долзарб ахборотни тайёрлаш бўйича тизимли ишни ташкил қилиш; «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрида қабул қилиш назарда тутилади.
245.	Оммавий тадбирларни ўтказиша жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш.	2019 йил 25 май	ИИВ, Миллий гвардия, ДХХ, ФВВ, Бош прокуратура, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси. Лойихада жамоат тартибини саклаш тадбирларига жалб қилинаётган куч ва воситалар мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш мақсадида ИИВ, Миллий гвардия, ДХХ, ФВВ, прокуратура, ҳокимликларнинг вазифа ҳамда мажбуриятларини аниқ тақсимлаш ва белгилаб бериш назарда тутилади.
246.	Саноат корхоналарининг атроф мухитга реал таҳдидларини ўрганиш ва баҳолаш, мамлакатдаги экологик вазиятни соғломлаштириш, атроф мухит ифлосланишини сезиларли тарзда камайтиришини таъминлаш тизимини тақомиллаштириш.	2019 йил 1 июнь	Давлат экология қўмитаси, ФВВ, Соғлиқни саклаш вазирлиги, «Ўзқимёсаноат» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, вазирлик ва идоралар	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси. Лойихада: саноат корхоналарига замонавий самарали тозаловчи ускуналарни, чиқинди манбаларини кузатиб борувчи ва назорат қилувчи автоматлаштирилган тизимларни ўрнатиш; чанг, газ ва сув тозаловчи ускуналарни ишлаб чиқариш; мазкур соҳадаги хуқуқий базани қайта кўриб чиқиши назарда тутилади.
247.	Озиқ-овқат саноатида стероидлар, кучли таъсир қилувчи антибиотиклар ва бошқа органик ва	2019 йил 15 июнь	Соғлиқни саклаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ўзстандарт»	–	–	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси. Лойихада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни ахолига етказиб бериш

	кимёвий қўшимчаларнинг қўлланиши меърларини тартибга солувчи хукукий механизмни таомиллаштириш.		агентлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар			жараёнида стероидлар, кучли таъсир қилувчи антибиотиклар ва бошқа органик ва кимёвий қўшимчаларнинг меъёрдан ортиқ ишлатилишини назорат килиш механизмлари назарда тутилади.
248.	Радиациявий аварияларни прогноз қилиш, барвақт аниқлаш ва тезкор харакат килиш бўйича ягона давлат тизимини таомиллаштириш.	2019 йил 1 сентябрь	ФВВ, Соғликни сақлаш вазирлиги, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси, «Ўзатом» агентлиги, вазирлик ва идоралар	–	–	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихаси. Лойихада автоматлаштирилган радиациявий вазиятни назорат қилиш, ягона давлат тизимини ташкил этиш ва радиациявий аварияларни прогноз қилиш ва бартараф этишда ягона давлат тизими имкониятларини ошириш назарда тутилади.
249.	Афғонистон бўйича 8-минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясини (RECCA VIII) Тошкентда ўтказиш.	2019 йил 25 май	ТИВ, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси	Хисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойихаси. Лойихада Афғонистон бўйича 8-минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясини ўтказиш билан боғлик ташкилий масалалар назарда тутилади.

5.2. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

250.	Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан «яшил иқтисодиёт»га ўтиш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 юль	Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзгидромет» маркази, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Инновация вазирлиги, ТИВ, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	–	–	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. Лойихада: иқлим ўзгаришига қарши тизимили курашишнинг илфор механизмларини жорий килиш; яшил иқлим жамғармасининг ресурсларига йўл очиш; иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан ишлаб чиқаришга «яшил технологияларни» жорий қилиш назарда тутилади.
251.	Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур концепциясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 10 ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси, ТИВ, ДХХ, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	–	–	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. Лойиха билан минтақавий дастур концепцияси тасдиқланади. Концепцияда: Марказий Осиёда сувдан тежамкор фойдаланиш, сув манбаларини бошқариш ва оқилона фойдаланиш масалаларида минтақавий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш; сув манбаларини бошқариш ва оқилона фойдаланиш масалаларида тежамкор технологияларни, илфор хорижий тажрибани

							татбиқ этиш учун донор-давлатлар, халқаро институтлар молиявий маблағларини жалб килишни жадаллаشتариш; Амударё ва Сирдарё бўйича БМТ томонидан ишлаб чиқилган конвенцияларни илгари суриш; сув ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда Оролни куткариш халқаро фонди салоҳиятидан унумли фойдаланиш назарда тутилади.
252.	Оролбўйи минтақасида янги муҳофаза этиладиган, жумладан трансчегарашиб табии худудларни ташкил этиши.	2019 йил 1 июнь	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, ТИВ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Хоразм вилояти ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар	Ҳисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Комплекс чора-тадбирлар режаси. Режада: Оролбўйи минтақасида янги муҳофаза этиладиган, жумладан трансчегарашиб табии худудларни ташкил этиши; Қозогистон ва Туркманистон билан ҳамкорликда қўриқланувчи табии худудларни яратиш; муҳофаза этиладиган ва трансчегарашиб янги табии худудларни ташкил этиши ҳамда биохилма-хилликни асрәб-авайлашни яхшилаш бўйича норматив-хуқуқий базани такомиллаشتариш назарда тутилади.	
253.	«Дипломатик хизмат тўғрисида»ги қонун лойихасини ишлаб чикиш.	2019 йил 1 апрель	ТИВ, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Мехнат вазирлиги, вазирлик ва идоралар	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси. Лойихада: дипломатик хизмат тушунчаси ва турлари, дипломатик хизмат органлари, унинг вазифаси ва функциялари, ходимларнинг хукуқ ва мажбуриятлари; дипломатик хизмат турлари ва уларни амалга ошириш тартиби; дипломатик хизматга қабул қилиш, ротация тартиби ва дипломатик хизмат ходимларининг узоқ муддатли сафарда бўлиш муддатлари; дипломатик хизмат ходимларини касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби, ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари; дипломатик хизмат кўрсатувчи шахслар мақоми, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш механизми; дипломатик хизмат органларини молиявий ва моддий-техник таъминлаш механизмлари, ходимларни моддий рабbatлантириш ва уларнинг ижтимоий таъминоти назарда тутилади.	
254.	Халқаро майдонда мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий	2019 йил 1 апрель	ТИВ, Стратегик ва минтақалараро	—	—	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси. Лойиха билан Ўзбекистон Республикаси	

	манфаатларини илгари суриш, давлатимизнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий фаолияти такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш		тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар			Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси янги таҳрида тасдиқланади. Концепцияда: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини аниқ белгилаш; мамлакатнинг миллий хавфсизлиги, суверенитети ва худудий яхлитлигини мустахкамлаш; замонавий шароитлардаги ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий соҳаларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш; барча давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларининг барқарор тизимини барпо этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имижи, ўрни ва таъсирини мустахкамлаш; халқаро хуқуқ нормаларини имплементация қилиш, БМТ тузилмалари ва маҳсус муассасалари норма ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиш назарда тутилади.
255.	Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари, дипломатик ваколатхоналари фаолиятини кучайтириш, шу жумладан янги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларини очиш .	Йил давомида	ТИВ, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мехнат вазирлиги	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойихаси. Лойихада: Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий соҳадаги халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш; хорижда яшовчи фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида янги дипломатик ва консуллик муассасаларини очиш ҳамда амалдагиларининг ходимлари сонини ошириш; дипломатик ва консуллик муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, бунда ходимлар учун кулагай шароитлар яратиш ва моддий қўллаб-куватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш назарда тутилади.
256.	Ташқи транспорт, логистика ва йўл инфраузилмаси тизимини ривожлантириш.	Йил давомида	Ташқи савдо вазирлиги, ТИВ, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзавтотранс» агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, вазирлик ва идоралар	–	–	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: ўзаро тариф преференцияларини тақдим этишда ҳамкор-давлатлар билан келишув, божхона ва маъмурӣ тартиб-таомилларни такомиллаштириш; логистика марказларини ривожлантириш, имтиёзли кетма-кет тарифларни шакллантириш орқали халқаро ва минтақавий транспорт

						коридорларидан самарали фойдаланиш; ҳамкорлар билан биргаликда Марказий Осиё транспорт тизимини ривожлантириш бўйича минтақавий дастурни қабул қилиш назарда тутилади.
257.	Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий муаммоларни бартараф этишдаги ўзаро муносабатларида ишонч даражасини ошириш.	2019 йил 20 июль	ТИВ, ДХХ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	—	—	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳада: Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича қарашларини яқинлаштириш, минтақада хавфсизлик, барқарорлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорликни шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон ташки сиёсатини фаоллаштириш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича маҳсус вакилилавозимини таъсис этиш назарда тутилади.
258.	Хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларига консуллик муассасалари томонидан давлат хизматлари ва хуқуқий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш.	2019 йил 1 сентябрь	ТИВ, Мехнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, ИИВ	—	—	Амалий чора-тадбирлар. Бунда меҳнат фаолияти учун хорижда вактингчалик яшётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиш имконияти кенгайтирилади ва такомиллаштирилади.
259.	Самарқандда Ватандошлар халқаро форумини ташкил этиш ва ўтказиш.	2019 йил 20 май	ТИВ, Ташки савдо вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Маданият вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Милллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси	Ҳисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши лойиҳаси. Лойиҳада Самарқанд шаҳрида 2019 йилда Ватандошлар халқаро форумини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар назарда тутилади.
260.	Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепциясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 август	ТИВ, Ташки савдо вазирлиги, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Республика маънавият ва маърифат	Ҳисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепцияси тасдиқланади. Концепцияда: Ўзбекистоннинг нуфузини халқаро майдонда ошириш мақсадида самарали ва кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга кўйиш, миллий туристик брендни яратиш, хорижий оммавий ахборот воситалари билан ўзаро манбаатли келишувларга эришиш; халқаро ташкилотлар вакилларини

			маркази, вазирлик ва идоралар			Ўзбекистонга таклиф қилиш ва уларни республикада юз берадиган ўзгаришлар билан бевосита танишириш; халқаро ташкилотлар ва рейтинг агентликлари («Fitch», «Standard & Poor's», «Moody's») билан Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш назарда тутилади.
261.	Марказий Осиёда миллатлараро зиддиятлар таҳдидларига қарши биргаликда курашиш ва миллатлараро тотувлик тамойилларини тасдиқлаш ишларida минтақа давлатлари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш. Ушбу йўналишда Тошкент шаҳрида «Марказий Осиё — умумий уйимиз» мавзусида халқаро конференция ўтказиш.	2019 йил 20 сентябрь 2019 йил 18 ноябрь	Вазирлар Махкамаси, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, ТИВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар	Хисоб-китобларга асосан	Давлат бюджети маблағлари, ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар дастури. Дастурда: Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг соҳага оид ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик меморандумини ишлаб чиқиш ва тегишли ташкилотлар билан келишиш; юз бериши мумкин бўлган миллатлараро зиддиятлар таҳдидларининг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда хужжат лойиҳасининг Марказий Осиё мамлакатларининг соҳага оид ташкилотлари томонидан кўриб чиқилишини ташкил этиш; «Марказий Осиё — умумий уйимиз» тамоилини амалда татбиқ этиш ҳамда минтақа давлатлари етакчи олим ва экспертлари иштирокида халқаро конференцияни юкори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш назарда тутилади.
262.	Хорижий инвесторлар билан ишлашни ягона тизимга келтириш ва унинг самарадорлигини орттириш.	2019 йил 20 июль	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновация вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Мехнат вазирлиги	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Чора-тадбирлар режаси. Режада хорижий инвесторлар билан ишлашни ягона тизимга келтириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Инвестиция портали асосида «Invest in Uzbekistan» ягона порталини ишлаб чиқиш назарда тутилади. Ягона порталда: Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, ташки сиёсий ва ташки иқтисодий фаoliyatiga алоқадор идораларнинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш; хорижий тадбиркорлар учун Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти бўйича маълумотларни етказиш ва уларни доимий равишда янгилаб туриш; Ўзбекистоннинг тадбиркорлик ва инвестиция соҳасидаги қонунчилиги, бизнес юритиш учун ёратилиётган қулайликлар тўғрисидаги қиска,

						лўнда ва мазмунли ахборотларни мунтазам жойлашириш назарда тутилади.
263.	Мамлакат ташки сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал қилишда парламент дипломатияси ролини кучайтириш.	Йил давомида	Олий Мажлис палаталари, ТИВ, вазирлик ва идоралар	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, ҳалқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳалқаро доирада, жумладан парламентлараро майдонда ва икки томонлама муносабатларда илгари суришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳалқаро фаолиятини кучайтириш; хорижий мамлакатлар парламент вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни, яқин ва узок хорижга ишчи ташрифларни амалга ошириш, ҳамкорликни кенгайтириш ва долзарб масалалар ечимини излаш максадида ҳамкор мамлакатларнинг хукумат ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашувлар ўтказиш назарда тутилади.
264.	Оролбўйи худудида экологик инновациялар ва технологиялар зонасини яратиш бўйича ҳалқаро анжуман ташкил этиш ва ўтказиш.	2019 йил 25 октябрь	Давлат экология қўмитаси, Инновация-вазирлиги, ТИВ, вазирлик ва идоралар	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, ҳалқаро молия институтлари маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши лойиҳаси. Лойиҳада: анжуман концепциясини ишлаб чиқиш; тадбирнинг кун тартиби, аниқ муддати ва жойини белгилаш; хорижий мутахассислар, ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар вакилларини тадбирга таклиф этиш ва уларнинг иштироқини ташкил қилиш; анжуманинг якуний хужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш назарда тутилади.
265.	Тошкент шаҳрида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга бағишлиланган ҳалқаро конференция ўтказиш.	2019 йил 19-20 февраль	ТИВ, Ҳалқаро алоқалар ахборот-таҳлил маркази, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, ижрочилар маблағлари	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси. Лойиҳада Марказий Осиё давлатлари етакчи олимлари ва эксперталарининг форумини ўтказишга оид ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилади.
266.	Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувини ўтказиш.	2019 йил 12 апрель	ТИВ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ҳалқаро алоқалар ахборот-таҳлил маркази	Хисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши лойиҳаси. Лойиҳада 2019 йилда Тошкент шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади. Тадбирларда: Марказий Осиёда хавфсизлик ва

							<p>баркарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликнинг янги резервларини ва уни кенгайтиришнинг таъсирчан механизмларини топиш;</p> <p>савдо-иктисодий, инновацион, инвестициявий, транспорт-коммуникация, банк-молия, сув-энергетика ва маданий-гуманитар ҳамда экологик баркарорликни саклаш соҳаларида аниқ дастурларни ишлаб чиқиш;</p> <p>халқаро ва минтақавий долзарб масалалар юзасидан кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий қарашни келишиб олиш ва уни халқаро ташкилотлар доирасида илгари суриш назарда тутилади.</p>
267.	БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш.	Йил давомида	ТИВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	–	–		<p>Комплекс чора-тадбирлар режаси.</p> <p>Режада:</p> <p>БМТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига номзодини кўллаб-қувватлашга эришиш мақсадида улар билан музокаралар олиб бориш;</p> <p>Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида материалларни тайёрлаш ва БМТга аъзо давлатлар ўртасида тарқатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.</p>
268.	БМТнинг «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида»ти конвенцияси қабул қилинишини илгари суриши.	Йил давомида	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ТИВ, Олий Мажлис Сенати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ёшлар иттифоки, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази	–	–		<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда:</p> <p>Конвенция лойиҳасини кенг миқёсда халқаро кўмак олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхоналари ва бошқа дипломатик ваколатхоналарда тақдимот ва давра сухбатлари, брифинглар ўtkазиш орқали мақсадли тушунтириш ишларини амалга ошириш назарда тутилади.</p>
269.	Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар шаҳарлари ва худудлари ўртасида ҳамкорликни («биродарлик алоқалари») мустаҳкамлаш.	Йил давомида	ТИВ, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлклари	–	–		<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар шаҳарлари ўртасида алоқалар ўрнатиш механизмини фаол ишга тушириш назарда тутилади.</p>

270.	БМТнинг «Инсон хуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия декларацияси» тўғрисидаги низомини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар дастурини қабул қилиш.	2019 йил 30 май	Инсон хуқуқлари бўйича миллий марказ, ТИВ, Олий Мажлис Конунчилик палатаси (келишув асосида)	-	-	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳа билан миллий ҳаракатлар дастури тасдиқланади. Дастурда барча даражада инсон хуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билим ва кўнимкамлар даражасини янада ошириб бориш назарда тутилади.
271.	Шарқий ва Шимолий Европа, Шарқий Осиё мамлакатлари, Африка ва Жанубий Американинг айrim давлатлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши.	Йил давомида	ТИВ, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги	-	-	Амалий чора-тадбирлар Бунда: Ўзбекистон Республикасининг сиёсат, инвестиция, савдо, маданият ва туризм, юқори технология соҳаларида ҳамкорлик қилиши учун ушбу минтақаларнинг салоҳиятга эга мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш ҳамда фаоллаштириш; мазкур худудларга миллий товар ва хизматлар экспортини ошириш мақсадида тизимли маркетинг тадқиқотларини ўтказиш назарда тутилади.
272.	Марказий Осиё давлатларининг худудлар раҳбарлари ўртасида алоқаларини янги сифат босқичига кўтариш.	Йил давомида	ТИВ, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Марказий Осиё давлатларининг худудлар раҳбарлари бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этиши; Марказий Осиё давлатларининг худудлар раҳбарлари бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этиши концепцияси лойиҳасини қўшни давлатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилади.
273.	Марказий Осиё худудини туристик йўналиш, биринчи навбатда, Буюк Ипак йўлнинг асосий бўғини сифатида илгари суришда минтақа давлатлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш.	2019 йил 30 май	ИИВ, ТИВ, ДХХ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги	-	-	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: Марказий Осиё мамлакатларига келадиган сайдёхлар учун ягона визани киритиш ташаббусининг мақсадга мувофиқлигини ҳамкорлар билан биргаликда ўрганиш («Silk Visa»); хориждаги ватандошлар учун Ўзбекистонга келиб-кетиши, мамлакатда қолиш, меҳнат фаолиятини олиб бориш, сармоя киритиш учун кулагай шарт-шароитлар яратиш («Vatandosh» визаси/паспорти); Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш истагида бўлган хорижий давлатлар фуқаролари учун маҳсус виза (инвестицион виза) жорий

						этишни ўрганиш назарда тутилади.
274.	Ташки алоқаларни йўлга қўйишда «ракамли дипломатия» воситаларини ривожлантириш.	2019 йил 20 июль	ТИВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	–	–	Комплекс чора-тадбирлар дастури. Даструрда: «ракамли дипломатия» рейтингида Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш, ушбу йўналишда фаолият юритаётган тахлил марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиш; Ўзбекистоннинг хориждаги барча дипломатик ваколатхоналари веб-сайтлари аудитини ўтказиши; ТИВ ходимлари учун янги ахборот технологиялари, «ракамли дипломатия» инструментларидан фойдаланиш бўйича малака ошириш дастури ташкил этиш; ТИВ ҳузурида ижтимоий тармоклар («Social Media Marketing») ва «ракамли дипломатия» бўйича мутахассислар гурӯхини шакллантириш назарда тутилади.

Изоҳлар:

Даструрда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг молиялаштириши манбаларига аниқлик киритилиши мумкин.

Давлат бюджети маблағлари деганда марказлашган инвестициялар, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари тушунилади.

Тегишли комиссия билан келишилган ҳолда, Даструрда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар шакли заруратга қараб ўзгартирилиши, бошқа бандлардаги ҳужжатлар билан бирлаштирилиши ёки бир неча турдаги ҳужжатларга бўлиншиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараёнида мутасадди вазирлик ва идораларнинг тақлифлари асосида

Даструрда белгиланган тадбирларнинг мазмунига мос келадиган бошқа масалалар ҳам назарда тутилади.

2019 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари:

16 998,6 млрд сўм ва 8 106,5 млн АҚШ доллари, шундан:

	сўмда	АҚШ долларида
--	-------	---------------

Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	14 025,0 млрд	5,2 млн
Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	2 515,4 млрд	4 120 млн
Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва беғараз ёрдам	458,2 млрд	3 981,3 млн